

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03.  
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ПУЛАТОВ УБАЙДУЛЛА ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ НЕГИЗИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ТУРЛИ  
ХИЛ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИДА ИНФЕКЦИЯ  
ТАРҚАЛИШИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

**14.00.15 – Патологик анатомия  
14.00.27-Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УДК 616.7+616:579.61+615.2.03+616:612.017.1

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on medical  
sciences**

**Пулатов Убайдулла Ибодуллаевич**

Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг  
турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида  
инфекция тарқалишини морфологик асослаш ..... 3

**Пулатов Убайдулла Ибодуллаевич**

Морфологическое обоснование генерализации  
инфекции при различных формах гнойно-воспалительных  
заболеваний мягких тканей на фоне сахарного диабета..... 27

**Pulatov Ubaydulla Ibodullayevich**

Morphological justification of infection generalization  
in different forms of purulous inflammatory soft tissue  
diseases in the background of diabetes mellitus..... 50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03.  
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ПУЛАТОВ УБАЙДУЛЛА ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ НЕГИЗИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ТУРЛИ  
ХИЛ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИДА ИНФЕКЦИЯ  
ТАРҚАЛИШИНИ МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

**14.00.15 – Патологик анатомия  
14.00.27-Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib109 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Исраилов Ражаббой**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Охунов Алишер Орипович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунов Хасан Зияевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Камолов Тельман Тулаганович**

тиббиёт фанлари доктори,

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2.Тел./факс: (99878) 150-78-25,e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж.Эрматов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж. Усманов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда юмшоқ тўқималарнинг жарроҳлик инфекцияси- тиббий ёрдам учун беморларнинг мурожаат қилишини энг кўп сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотиغا кўра «...Буюк Британияда бу касаллик йилига 10% беморларни, АҚШда -330 000 беморларни касалхонага ётишига сабаб бўлса, Россияда бу патология тахминан 700 000 беморда кузатилади...»<sup>1</sup>. Бу эса жарроҳлик инфекциясини ташхислаш ва даволаш замонавий жарроҳликнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатнинг исботи бўлиб, юмшоқ тўқималарнинг йирингли – яллиғланиш касалликларини оғир даражасида ўлим кўрсаткичининг юқорилиги бўлиб, 28-56% ни, сепсис ривожлангандан кейин эса-90%дан ортади...»<sup>2</sup>. ҚД негизида ЮТЙЯК ривожланишининг асосий патогенетик механизмлари бўлиб, ҳужайра ва гуморал иммунитетининг етишмаслиги, ҳужайра ичи метаболик ацидоз, метаболизмни бузилиши, макро- ва микроэлементлар дисбаланси, қоннинг оқсил таркибини бузилиши ва бошқалар ҳисобланади. Яққол намоён бўлган гипергликемияда хемотаксис ва лейкоцитларнинг фагоцитар фаолияти пасаяди. Қандли диабет билан хасталанган беморларда қон ҳосил бўлиш жараёни, жумладан, лейкоцитар қатор ҳужайралари ўзгаришининг ўзига хосликлари бўлиб, уларни қон ҳосил қилувчи органларда етишмаслиги, қон оқимида етилмаган шаклли элементлар кўринишида тушиши бўлиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси қандли диабет кечишининг патологик моҳиятини ўзига хослигини белгилаб беради.

Жаҳонда қандли диабет негизида юмшоқ тўқималар йирингли яллиғланиш касалликлари инфекция тарқалишини морфологик асослашни такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни даволашни самарадорлигининг пасайишининг сабабини асослашдан иборат. Бактериологик, морфологик ва клиник тадқиқотлар ёрдамида инфекциянинг генерализацияси билан асоратланган қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш касалликлари турли шакллари клиник кечиши ривожланишини ўзига хосликларини, ҚД негизида ЮТЙЯК турли шаклларида сепсиснинг асосий ташхислаш маркерларини ўзгаришлар динамикаси, кечишини ўзига хослиги ва инфекциянинг оммавий тарқалишини олдини олишнинг патоморфологик кўрсаткичларни асослашдан иборат. ҚД негизида ЮТЙЯК билан хасталанган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини такомиллаштириш ва махсус ишлаб чиқилган ташхислаш-даволаш ҳамда башоратлаш тартибини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

1 Бархатова Н.А. Современные принципы диагностики локальной и генерализованной форм гнойно-некротической инфекции мягких тканей. Вестник ЮУрГУ, № 37, 2010. – С. 99–102.

2 Прошин Д.Г., Варганов В.Я., Калышенко А.М. Проблемы ранней диагностики сепсиса. Роль прокальцитонина // Тольяттинский медицинский консилиум. 2012, № 1-2. – С. 57–61.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли хил шароитларда юзага келадиган қандли диабет негизида йирингли касалликларни олдин олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали турли касалликларни олдини олиш ...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши қандли диабетда юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалиши асосида сепсис олдини олиш орқали қайта жаррохлик амалиётини камайтириш ва яраларни битиш даврини тезлаштиришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий муаллифлар берган маълумотларга кўра тизимли яллиғланишга жавоб синдроми ва сепсис 62,5-77,6% ЮТЙЯК билан бирга кечади, унинг оғир шаклларида ўлим ҳолати 12%дан 60%гачани ташкил этади ва пасайиш тенденциясига эга эмас [Никифорова Ю.Г., Точило С.А., Марочков А.В., 2016.; Негенборн В.Л., Гроен Дж.В., Дж.М.Смит ва б., 2016]. Сепсисни клиник тасдиқлаш учун илгари қўлланилган бактеремия муаммоси ҳозирги вақтда кўплаб олимлар томонидан белгиларсиз, идеопатик ёки қисқа муддатли бактеремия ривожланишини мумкинлиги тўғрисидаги замонавий маълумотлар асосида шубҳа остига олинмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори қоннинг лаборатор кўрсаткичлари инфекцияларини генераллашган шакллари учун энг махсусларини излашга қаратилган бўлиб, улар эрта

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

босқичларда сепсис ташхисини қўйишга ва тизимли яллиғланиш реакцияларини кечишини башорат қилишга имкон беради [Боронина Л.Г., Прудкин М.Е., Баранов Ю.В., 2018; Yende S., D'Angelo G., Kellum J.A., Weissfeld L., Fine J., Welch R.D. et al., 2008]. Афсуски, иситма, тахикардия, тахипноэ ва лейкоцитоз каби тизимли яллиғланиш реакцияларининг классик клиник ва лаборатория белгилари юқумсиз сабаблар натижаси бўлиши мумкин ва сепсис учун махсус ҳам эмас, сезгир ҳам бўлиб ҳисобланмайди, аксарият замонавий маркерлар эса масалан, эндотоксин ва цитокинлар концентрациясини ноанъанавий ташхислаш усуллари учун қўллаш мумкин эмас. Сепсисга ўхшаш бўлган клиник кўринишларни кўпинча панкреатит [Ерүхин И.А., Шляпников С.А., 2008], оғир жароҳатлар [Lipsky B.A., Weigelt J.A., Sun X. et al., 2011], куйиш [Михеева А.В., Афончиков В.С., Волчков В.А., 2018], дори воситаларига бўлган реакциялар [Angus D.C., van der Poll T., 2013], йирик жарроҳлик аралашувларидан сўнг [Mebazaaz A., Laterre P.F., Russell J.A., Bergmann A., Gattinoni L., Gayat E. et al., 2016] ва ҳатто оғир юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда кузатилади [Peters van Ton A.M., Pickkers P., Abdo W., 2018]. Цитокинлар биологияси, адгезив молекулалар иммуногенетикаси, моноцит, лимфоцит ва нейтрофилларнинг ўзаро таъсири, лимфоцитлар апоптози ва прокальцитонин ҳамда неоптеринни ҳосил бўлиши киритилган ҳолда олиб борилган тажриба сепсиснинг патофизиологияси ва биокимёси тўғрисидаги янги маълумотлар генераллашган инфекцион жараён ривожланишининг патогенетик механизмларини яхшироқ тушуниб олишга имкон беради. Тизимли яллиғланиш реакциясининг жуда катта миқдордаги маркерлари ўрганилган ва таклиф этилган, бироқ, уларнинг ҳеч бири «идеал» маркер талабларига жавоб бермайди [Охунов А.О., Азизов Е.Х., 2018; Singer M. et al., 2016]. Сўнгги йилларда адабиётларда қон гранулоцитларига колоностимулловчи омил сифатида таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган дори воситаларини қўллашни нисбий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар тез-тез пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистонда турли аъзо тизимларнинг функционал ҳолатининг турли касалликлар натижасида юзага келадиган патологик ўзгаришларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Абдуллаходжаева М.С., 2000, 2010; Исроилов Р.И., 2010; Магруппов Б.А., 2010; Турсунов Х.З., 2010; Нишанов Д.А., 2017; Машарипов А.С., 2020), бироқ, қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг йирингли–яллиғланиш касалликларида инфекция генерализациясининг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Юқоридаги маълумотларга қарамасдан, G-CSF Filgrastimнинг самарадорлигига нисбатан тақдим этилган аксарият маълумотлар қон касалликлари, жумладан, онкологик этиологияли касалликларга бағишланган. Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг йирингли – яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморларни даволашда G-CSF Filgrastim гуруҳи дори воситаларини қўллаш самарадорлигига нисбатан маълумотлар бизлар томонимиздан адабиётларда аниқланмади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини морфологик асослашни такомиллаштириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва замонавий даволаш усулларни татбиқ этиш самарадорлигини баҳолаш» (2014–2018) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини патоморфологик ўзгаришлар асосида баҳолаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

назорат гуруҳи беморларда қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини анъанавий усулда даволашдан кейинги клиник кечиш динамикаси, юмшоқ тўқималар йирингли яллиғланиш касалликлари сабаблари, морфологик жиҳатдан намоён бўлиши, жойланиш жойи, цитологик текширув натижаларини баҳолаш;

назорат гуруҳи беморлардаги қандли диабет негизда юмшоқ тўқималар йирингли-яллиғланиш жараёнларида инфекция генерализациясининг патоморфологик белгилар динамикасини баҳолаш;

қандли диабет негизда ривожланган юмшоқ тўқималар йирингли-яллиғланишли жараёнлар билан хасталанган беморларда септик асоратларни башоратлаш усулини яратиш;

қандли диабет негизда юмшоқ тўқималар йирингли-яллиғланиш жараёни ривожланган беморларда септик асоратларини даволаш ва олдини олиш алгоритминини яратиш, унинг самарадорлигини цитологик ва морфологик текширувлар натижалари билан тасдиқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2007-2018 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси йирингли жаррохлик ва қандли диабетни жаррохлик асоратлари бўлимида қандли диабет негизда юмшоқ тўқималар турли хил йирингли яллиғланиш касалликлари билан даволанган 132 нафар, улардан асосий гуруҳда 73 нафар, 59 нафар беморлар эса назорат гуруҳини ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети:** қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини анъанавий даволаш ва G-CSF Filgrastim билан даволашдан кейин ярада яллиғланиш жараёнининг клиник кўринишлари ва оғирлиги, йирингли-яллиғланиш жараёнининг тарқалиш даражаси ва майдони, яра юзасининг кичрайиши ва битиш тезлиги, қон лейкоцитлари, яллиғланишга қарши қон цитокинлари, ярадан олинган йирингли экссудат, яраларнинг цитологик суртмалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда морфологик, морфометрик, клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш флегмона кўринишида, клиник жиҳатдан белгилар сезилмасдан яра яққол кўринмаслиги, аэроб-анаэроб аралаш микрофлора кузатилиши, сепсис, септик шок ва полиорган етишмаслиги ва ўлимга олиб келиши асосланган;

қандли диабет негизда касалликнинг 3-кунидаёқ барча юмшоқ тўқималарга тарқалиши оқибатида қон томирлар патологик дисциркуляцияси, томирлар ва бириктирувчи тўқима тузилмаларининг мукоид, фибриноид бўқиши ва фибриноид некрози, лейкоцитлар билан инфильтрацияланиши, 5-кунга келиб жараённинг мушак қаватгача тарқалиши, 7-кунига келиб қон томирларда септик тромблар пайдо бўлиши, тўқималарнинг некрозланиши исботланган;

қандли диабетда яллиғланиш синдроми (SIRS) белгилари, лейкоцитознинг ортиши, қонда прокальцитонин, IL-1b, IL-6, TNF- $\alpha$  меъёрий миқдоридан ортиши, инфекциянинг оммавий тарқалишини ва септик асоратлар ривожланганлигини асосланган;

касалликнинг ривожланиши хавфи юқори, ўрта, паст ва генерализацияланиш хавфи бўлмаган SIRS белгилари миқдорини йирингли-яллиғланиш жараёни тарқалиш майдонини ўлчаш ва ҳисоблаш яранинг микроблар билан тўйинганлик даражасини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган;

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

таклиф этилган лаборатор ташхислаш усуллари яъни ўз ичига қон прокальцитонини ва яллиғланиш олди цитокинлари IL-1b, IL-6, TNF- $\alpha$ , йирингли-яллиғланиш жараёни тарқалиш майдони, ярани микроб билан тўйинганлик даражаси аниқлаш усуллари билан эндотоксемия ва жараённи объектив баҳоланган, йирингли-яллиғланиш инфекциясининг шакллари ва турларини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини аниқлаш ва қўлланиладиган даволаш тадбирларининг самарадорлигини баҳолашда муҳим рол ўйнаган;

қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг анъанавий усулларида йирингли-септик жараёнларни юқори хавф генерализацияси сақланган;

ишлаб чиқилган даволаш-ташхислаш алгоритми қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларида жараённи тарқалишини эрта аниқлаш ва G-CSF Filgrastimни қўллашга кўрсатмани аниқлаб берган;

ҚД негизда ЮТЙЯК даволашда G-CSF Filgrastim дори воситасини қўлланилиши ижобий натижалар хажмини 11,3% га ошишига, қайта жаррохлик амалиётлар сонини 12 мартага қисқаришига, ва ўлим даражасини 4,5% га камайишга эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал ва беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири-иккинчисини

тўлдирадиган морфологик, морфометрик, клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик текширув усуллари асосида ҚД негизида ЮТЙЯКда инфекция тарқалишини морфологик асослашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қонда прокальцитонин IL-1b, IL-6, TNF- $\alpha$  яллиғланиш олди цитокинларини, йирингли-яллиғланиш жарёнини тарқалиш майдонини ва ярани микроблар билан тўйинганлик даражасини комплекс текшириш киритилган лаборатор ташхислашнинг таклиф этилган усуллари қўлланилиши эндотоксемия ва жараённи холис баҳолаш, йирингли-некротик инфекцияларни кечиш варианты ва шакллари эрта ташхислаш, даволаш тактикасини аниқлаш ҳамда қўлланилган даволаш чоратadbирларини самарадорлигини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятига эгаллиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҚД негизида ЮТЙЯК билан хасталанган беморларни даволашда ишлаб чиқилган ташхислаш-даволаш алгоритми, яллиғланиш жараёнларида инфекция генерализациясини олдини олиш, даволашда G-CSF Filgrastim дори воситасини қўллашга кўрсатмаларни аниқлаш, G-CSF Filgrastimни қўлланилиши даволашнинг барча ижобий натижалари ўртача оғирлигини 11,3%га ошириш, септик асоратларни ривожланиш сонини 43,2%га камайтириш, ўлим кўрсаткичларини эса 3,5%га пасайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қандли диабет фонида юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини морфологик асослашни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қандли диабет фонида юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларини даволашда Г-КСФ Филграстимдан фойдаланиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 8н-д/63-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларини жаррохлик усулида G-CSF Filgrastimдан фойдаланган ҳолда касалликларни ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

«Қандли диабет фонида юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида генерализациялашган тартибда инфекцияни тарқалиш хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 8н-д/63-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада қандли диабетда юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекцияни оммавий тартибда тарқалишининг ўзига хос хусусиятларни эрта аниқлаш, касалликни патоморфологик ташхислаш орқали даволаш тартибини ташкиллаштириш имконини берган;

Қандли диабет фонида юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини морфологик асослаш ва баҳолашни такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси йирингли жаррохлик ва қандли диабетни жаррохлик асоратлари бўлими, Самарқанд шаҳар марказий шифохонасининг йирингли ва септик жаррохлик бўлими, Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббий бирлашмасининг йирингли жаррохлик бўлимлари клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 04 ноябрдаги 8н-д/141-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарни турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини олдини олишга қаратилган ташхислаш-даволаш алгоритми ёрдамида қайтадан жаррохлик амалиётини амалга ошириш ва септик асоратларни 4 ва 18,3 мартага камайтириш, яраларининг битишини 1,5 мартага ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган ҳолда, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш касалликларини тарқалишининг морфологик баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида қандли диабет негизидаги турли йирингли яллиғланиш касалликларининг тарқалиш этиологияси, патогенези, патоморфологик

кўрсаткичлари, касалликликни жаррохлик усулида даволаш тактикаси ва унинг асоратларини олдини олишга қаратилган маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари мушоҳада қилинган. Замонавий тиббиётда касалликни эрта ташхислаш ва хирургик даволаш масаласи охиригача ҳал қилинмаган. Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш касалликларини тарқалишининг морфологик баҳолашнинг тактикаси, ташхислаш жараёни ва самарали даволаш тизимининг методологик услубиёти ва усулларни амалиётга қўллаш, шунингдек ҳал қилинмаган ва аниқлашни талаб қилувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг турли хил йирингли яллиғланиш касалликларида инфекция тарқалишини морфологик баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2007 йилдан 2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси йирингли жаррохлик ва қандли диабетни жаррохлик асоратлари бўлимида стационар даволанишда бўлган қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан хасталанган 132 нафар беморнинг даволаш натижаларини таҳлили қилинган. Ўтказилган даволаш тадбирлари тавсифига боғлиқ ҳолда барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1- (назорат) гуруҳи, ҚД негизида ЮТЙЯК ли 73 нафар (55,3%) беморлар олинган. Стационар даволанишда бўлган мазкур гуруҳдаги беморлар ташхислаш-даволаш чора-тадбирларининг анъанавий мажмуасини қабул қилганлар. 2 (асосий) гуруҳ, қандли диабет негизидаги юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган 59 (44,7%) нафар беморлар тақдим этилган. Мазкур гуруҳ беморларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда олиб борилган даволаш чора-тадбирлар мажмуасига беморнинг тана вазнига нисбатан 5 мкг/кг миқдорда G-CSF Filgrastim қўшилган.

Қоидага кўра клиникага шошилиш кўрсатмалар бўйича мурожаат қилган беморлар замонавий текшириш усулларини қўлланилиб, ҳар томонлама клиник ва лаборатор текширувдан ўтказилган. Ушбу клиник ва лаборатор текширув усуллари: морфологик, цитологик, ярани кечиш жараёнини клиник баҳолаш, қонни биокимёвий текшириш, эндоген интоксикацияни баҳолаш, микробиологик тадқиқотлар киради.

Қўлга киритилган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси Стьюдентнинг t-мезони орқали баҳоланди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималар йирингли яллиғланиш касалликларини анъанавий даволаш натижалари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ҚД негизида ЮТЙЯК билан хасталанган беморлар назорат гуруҳида клиник жиҳатдан ўрганилди, ЮТЙЯК флегмона кўринишида намоён бўлиши аниқланди. Касаллик тарихидаги анамнестик маълумотлар асосида флегмона ривожланишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар тасдиқланди: 10 (13,7%) нафар беморда

флегмона тери қопламасини шикастланиши натижасида ривожланди. Кўпинча улар ўз вақтида ва мос бўлган зарарсизлантиришга учратилмаган шилиниш, тирналиш, қашлаш каби майда юзаки жойлашган жароҳатлар негизида юзага келади; 40 нафар (60,2%) беморда флегмона тери ва тери ости ёғ қаватини маҳаллий йирингли яллиғланиш касалликларини нохуш кечиши натижасида ривожланди (фурункул, карбункул, пиодермия, парапроктит, гидраденит); 2 (2,8%) беморда флегмона турли дорилар инъекциясидан сўнг ривожланди; 8 нафар беморда эса (10,9%) бу ҳолат турли жарроҳлик аралашувларидан сўнг юзага келган бўлса, 2,3% (9) нафар беморда батафсил анамнез йиғилиши, кўрикдан ўтказиш ва беморни текширишга қарамасдан флегмонанинг ривожланиш сабабларини аниқлаш имкони бўлмади.

ҚД негизида ЮТЙЯК бўлган беморларда йирингли-яллиғланиш жараёнларини тарқалишини таҳлили қуйидагиларни аниқлашга имкон берди, ушбу жараённи жойлашиши кўпроқ танада (59%) қайд қилинган бўлса, оёқлар (17,8%) ва оралик соҳасида (13,6%) жойлашиши эса деярли бир хил миқдорда намоён бўлди, 72,6% (53 нафар беморда) ҳолатларда йирингли-некротик жараён асл ҳолатига нисбатан кичик бўлиб кўринди. Йирингли – яллиғланиш жараёнларини тарқалишининг II ва III даражаси билан ҳасталанган беморлар (63%) устунликка эга бўлди ва худди шу каби кўрсаткич яна (67,2%) шикастланиш даражаси бўйича ҳам аниқланди.

ҚД негизида ЮТЙЯК билан ҳасталанган беморларнинг умумий ҳолати, эндотоксикоз ва сепсис белгиларини намоён бўлганлиги, шунингдек, йирингли-некротик жараённи тарқалиш даражаси, уни ривожланиш жадаллиги бўйича фарқ қилувчи бир хил бўлмаган гуруҳларни ташкил этади. Маълумки, йирингли жараённи тарқалганлиги ва бемор ҳолатининг оғирлиги, эндотоксикоз даражаси, оғир сепсиснинг ривожланиш сони ва касаллик башорати орасида бевосита корреляция мавжуд. Умуман олганда ҚД негизида ЮТЙЯК назорат гуруҳ беморларида сепсис босқичига етди (1992 йилдаги Чикаго келишув анжуманидаги халқаро тасниф бўйича (ACCP/SCCM)) 57,5% ҳолатда, SIRSнинг 2-4 белгиси билан бирга кузатилади.


ҚД негизида ЮТЙЯК билан ҳасталанган назорат гуруҳ беморларини анъанавий усулда даволашни таҳлил қилиш асоратлар сонини кўплигини 42 (57,5%) нафар бемор ва ўлим ҳолатини 7 (9,6%) нафар беморда аниқлашга имкон берди. Ўлим ҳолатини ривожланишининг етакчи сабаби бўлиб, йирингли-септик жараённи генерализацияси ҳисобланади.

ҚД негизида ЮТЙЯК билан ҳасталанган беморларда қонининг лейкоцитар таркиб ҳолатини ўрганишда аниқландики, бунда лейкоцитоз лейкоцитар ҳужайраларнинг ёш шакллари ҳисобига сақланиб қолди. Периферик қондаги нейтрофилларни ўрганишда даволашнинг 1- ва 7-кунларида етилмаган нейтрофиллар миқдори юқори даражасида сақланиб қолди. Эҳтимол бу бизлар томонимиздан аниқланган яра экссудатидаги цитологик нусхларда ЯЦН ва лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллигини пасайишини тушунтириб беради.


Ўтказилган анъанавий даволаш натижасида экссудатнинг микробларга бўлган тўйинганлигини пасайиши қайд этилади. Бироқ, ҳатто 5-куннинг охирига келиб, ушбу кўрсаткич, инфекция-яллиғланиш жараёнини сақланишини кўрсатган ҳолда, етарли даражада юқори бўлиб қолди. Бунда микробга тўйинганликнинг юқори даражада сақланиши, айнан антибиотикларга чидамли бўлган штаммларни *St.aureus*, *E. coli*, *Pseudomonas aeruginosa* мавжудлиги билан боғлиқдир. Шу билан бир вақтда, микробга бўлган тўйинганлик даражасини критик дараждан паст бўлиши (1 мл да <3,0 lg КОЕ/мл) кузатилган назорат гуруҳи беморларида ярани самарали тозаланиши, даволаш бошлангандан сўнг фақат 7-8 кунга келиб таъминланди.

ҚД негизида ЮТЙЯК билан хасталанган беморларда ўтказилган анъанавий даволаш динамикасида яра юзасини цитологик текширишдан ўтказиш, ёғ-оксилли детрит фони билан юзага келган ҳолатни кўрсатди, улар тўқима элементларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришларни кечишини кўрсатди. Кўпинча ўзгаришларнинг мазкур тури билан яллиғланиш хужайраларининг мавжудлигини бирга келиши қайд этилди. Тўқима элементлари ядро-цитоплазматик тузилмаларни вакуолизацияси, юмшаб кетиши ва гомогенизацияси кўринишидаги деструктив ва некробиотик ўзгаришини яллиғланиш жараёнлари ва микроорганизмлар таъсири остидаги ўзгаришларига учради. Нейтрофил лейкоцитлар цитоплазмасида фагоцитланган таначалар аниқланди. Йирингли-яллиғланиш касаллиги билан хасталанган беморлар гуруҳида яллиғланиш хужайраларининг суртмаларида ядро-цитоплазматик нисбат кўрсаткичлари паст бўлди, беморларни келиб тушган вақтида ўртача кўрсаткич  $0,079 \pm 0,0016$  % ни ташкил этиб, анъанавий даволаш динамикасида эса ошмади.

Касалликнинг эрта муддатларида кокк инфекциялари ва полинуклеар лейкоцитар инфильтрация устунликка эга бўлган бўлса, янада кечроқ муддатларда эса лейкоцитар инфильтрациянинг таркибида лимфо-гистиоцитар хужайраларининг унча кўп бўлмаган миқдори аниқланади. Буларнинг барчаси яра жараёнини кечиши билан лейкоцитар қатор хужайраларининг махсус аҳамияти ўртасида яқин алоқа мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Юмшоқ тўқималарнинг қандли диабет негизида йирингли-яллиғланишли жараёнга учрашида касалликнинг 3-кунига келиши билан барча юмшоқ тўқималар жараёнга берилганлиги, морфологик жиҳатдан қон томирлар патологик дисциркуляцияси, томир ва бириктирувчи тўқима тузилмаларининг мукоид, фибриноид бўкиши ва фибриноид некрози, лейкоцитлар билан инфильтрацияланиши, бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролифератив фаоллашиши, 5-кунига келиб жараённинг мушак қаватгача тарқалиши (1-расмга қаранг), 7-кунига келиб қон томирларда септик тромблар пайдо бўлиб (2-расмга қаранг), тўқималарнинг некрозланиши ва сепсис белгиларининг пайдо бўлиши кузатилади.



**1-рasm.** ҚД негиздаги йирингли-яллиғланиш касалликларининг 5-куни.Йирингли-яллиғланиш жараёни ўчоқларида тўқима деструктив детритини шаклланиши.Бўялиш: Г-Э. катталаштириш: 10x40.



**2-рasm.** ҚД негиздаги йирингли-яллиғланиш касалликларининг 7-куни. Артерия, вена ва лимфатик томирлар паралитик кенгайган, шиш ва яллиғланиш инфильтрацияси, адвентиция. Бўялиш: Г-Э. катталаштириш: 10x10.

Шундай қилиб, қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликларида касалликнинг 3-кунида барча юмшоқ тўқималар жараёнга берилганлиги, морфологик жиҳатдан қон томирлар патологик дисциркуляцияси, томир ва бириктирувчи тўқима тузилмаларининг мукоид, фибриноид бўқиши ва фибриноид некрози, лейкоцитлар билан инфильтрацияланиши, бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролифератив фаоллашиши, 5-кунга келиб жараённинг мушак қаватгача тарқалиши, 7-кунга келиб қон томирларда септик тромблар пайдо бўлиб, тўқималарнинг некрозланиши ва сепсис белгиларининг пайдо бўлиши кузатилади.

Диссертациянинг «Қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарни йирингли яллиғланиш касалликлари мавжуд беморларда септик асоратларни башоратлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида назорат гуруҳ беморларида ўлим билан яқунланиш ҳолатларини юқори нисбий оғирлиги бизларга шундай хулоса қилишга имкон бердики, ҚД негизда ЮТЙЯКни анъанавий усулда даволашда ўлим билан яқунланишга олиб келувчи йирингли-септик жараёнларни генерализациясининг юқори хавфи сақланиб қолади. ҚД негизда ЮТЙЯК билан хасталанган назорат гуруҳи беморларидаги септик белгиларнинг ўзгариш динамикасини миқдорий тавсифи шуни кўрсатдики, беморлар шифохонага келиб тушган вақтида энг устун бўлган синдром бўлиб, тизимли яллиғланиш реакция синдроми (SIRS) - SIRS2 ва SIRS3 (мос ҳолда 23,3% ва 21,9%) бўлди. Анъанавий даволаш усулини ўтказиш даражасига кўра SIRS белгиларининг миқдори регрессияли беморлар сони ошди. Демак, ўтказилган даволашнинг 3 чи кунига келиб, SIRS белгилари намоён бўлган беморлар сони SIRS1; SIRS3; SIRS2 ҳамда SIRS4 тартибда



таксимланди, бироқ, 22,1% беморларда SIRS нинг ҳеч қайси бир белгилари аниқланмади.

Яллиғланиш жараёни генерализациясининг даражаси ва мавжудлигини баҳолашда ҚД негизда ЮТЙЯКни кечиш динамикасида беморлар қон зардобидида сепсиснинг ташхислаш маркерлари (прокальцитонин, IL-1b, IL-6 яллиғланиш олди цитокинлари ва TNF-α) ўзгариш даражаси баҳоланди. ҚД негизда ЮТЙЯК бўлган беморларда яллиғланиш жараёнида генерализация маркерларини текшириш, ўтказилган даволаш динамикасида уларнинг даражасини турғун ўзгаришини кўрсатди. Беморни клиникага келиб тушган вақтида қон зардобидидаги прокальцитонин даражаси ўртача  $17,15 \pm 5,4$  нг/мл ташкил этиши, сепсиснинг сезиларли мавжудлигидан гувоҳлик беради. Бунда беморни даволаш динамикасида мазкур кўрсаткич гарчи текширишларнинг 7-кунига келиб  $4,1 \pm 0,98$  нг/мл гача камайган бўлсада, ушбу кўрсаткич меъёрий белгилардан ўртача 82 марта юқори бўлди.

ҚД негизда ЮТЙЯК бўлган беморлар қон зардобидида яллиғланиш олди цитокинлари концентрациясини ўзгариши, уни даволаш динамикасида бир хилда бўлмади. Энг юқори белгилари билан IL-6, яллиғланиш олди цитокинни ажралиб турди, касаллик оқибатида беморларни шифохонага келиб тушган вақтида унинг миқдори IL-1b ва TNF-α белгиларидан 1,7 марта юқори бўлди.

Яллиғланиш олди цитокинни TNF-α концентрациясини динамикада ўзгариши, беморни шифохонага клиникага келиб тушган вақтидаги муддатлар билан солиштириш бўйича даволашнинг 3- ва 5-кунларида турғун белгилари билан тавсифланади. Даволашнинг 7-кунига келиб, мазкур кўрсаткични пасайиши, олдинги яллиғланиш олди цитокинлари ҳолати каби сезиларли бўлди (деярли 2 мартага).

#### 1-жадвал

#### Қандли диабет негизда юмшоқ тўқималарни йирингли-яллиғланиш касалликлари кечиш динамикасида беморларда инфекция тарқалишини ташхислаш маркерларини ўзгариш даражаси

Септик белгиларнинг тури	Инфекция тарқалишини ташхислаш маркери			
	РСТ (нг/мл)	IL-1b (пкг/мл)	IL-6 (пкг/мл)	TNF-α (пкг/мл)
Сепсиссиз	$1,99 \pm 0,09$	$7,4 \pm 1,12$	$14,4 \pm 2,1$	$3,15 \pm 0,52$
Сепсис синдром	$4,75 \pm 0,57^*$	$17,85 \pm 2,4^*$	$33,9 \pm 9,4^*$	$12,3 \pm 0,98^*$
Оғир сепсис	$17,75 \pm 5,2^*$	$19,2 \pm 1,54^*$	$44,2 \pm 10,4^*$	$27,9 \pm 1,4^*$
Септик шок	$34,5 \pm 2,8^*$	$33,53 \pm 8,4^*$	$54,7 \pm 12,4^*$	$42,4 \pm 5,2^*$

Изоҳ: \*SIRS белгилари мавжуд бўлмаган шароитдаги кўрсаткичларга нисбати бўйича ишончли белгилар ( $p < 0,05$ )

ҚД негизда ЮТЙЯКни белгиларсиз кечаётган беморларда прокальцитониннинг миқдори меъёрий кўрсаткичлардан ( $0,05$  нг/мл), 39,8 мартага юқори бўлди, бу эҳтимол қандли диабет негизда беморлардаги мазкур патологик жараёни кечишини ўзига хосликлари билан боғлиқ бўлади. ҚД негизда ЮТЙЯК бўлган асоратланган сепсис–синдром билан хасталанган беморларнинг кичик гуруҳида қон зардобидидаги прокальцитонин



миқдорини меъёрий белгилардан 95 мартага ортиши ўз ўрнига эга бўлди. Шу билан бир вақтда олдинги гуруҳларга нисбатан солиштирилганда, ушбу кўрсаткич фақат 2,4 мартага юқори бўлди. Оғир сепсис, айниқса септик шок ҚД негизда ЮТЙЯК бўлган беморлар қон зардобида прокальцитонин даражасини энг юқори белгилари билан тавсифланди, улар назорат белгиларидан мос ҳолда 355 ва 690 марта юқори бўлди. Сепсис–синдромли беморларда IL-1b яллиғланиш олди цитокини меъёрий белгиларга нисбатан солиштирилганда 2,4 марта, оғир сепсисда бу кўрсаткич 2,6 мартага, септик шок билан хасталанган беморларда эса–4,5 мартага юқори бўлди ( $p < 0,05$ ). ҚД негизда ЮТЙЯК бўлган назорат гуруҳи беморларидаги септик жараёнлар учун хос бўлган юмшоқ тўқималарни морфологик ўзгаришлари динамикасини олиб борилган текширишлари натижасидан кўриниб турибдики, олиб борилган анъанавий даволаш усулига қарамасдан, 3 –кунга келиб юмшоқ тўқималарнинг деярли барча компонентлари шикастланади, 5-кунида эса яллиғланиш-деструктив жараёнларни дерманинг чуқур тўқималарига, гиподерма, тери ости клечаткаси ва скелет мушакларига тарқалиши қайд этилди. Бунда, тери ости ёғ тўқимаси бузилган, некротик детрит ўчоқларини пайдо бўлиши билан лейкоцит ва макрофаглар билан инфильтрацияланганлиги кўринади. Даволашнинг 7-кунига келиб юқорида баён этилган патоморфологик ўзгаришлар янада чуқурда жойлашган тўқималарга тарқалади. Бунда артериал қон томирлари кенгаяди, толали тузилмаларнинг фибриноид шишиши ва хужайра элементларининг гипертрофияси ҳисобига уларнинг девори қалинлашади. Уларнинг баъзиларини ёриғида септик тромбни шаклланиши аниқланди. Интерстициал бириктирувчи тўқимада шиш яққол намоён бўлган, оралик модданинг мукоид шишиши ва толали тузилмаларнинг фибриноидли некрози ҳамда лейкоцитлар ва макрофаглар билан диффуз инфильтрацияси аниқланади.

ҚД негизда ЮТЙЯК билан хасталанган беморларни даволашнинг 5- ва 7-кунларида тизимли яллиғланиш реакция синдромини иккита клиник-лаборатор белгилари билан сепсис-синдром ҳолати қайд этилди. Бунда даволашнинг 5-кунида яллиғланишнинг ушбу белгилари билан хасталанган беморлар сонини камайиш динамикаси 1,9 мартани ташкил этган бўлса, 7-кунга келиб 8,5 мартани ташкил этди.

Шундай қилиб, ҚД негизда ЮТЙЯК септик асоратларини турли шакллари билан хасталанган беморларда тизимли яллиғланиш реакция синдромининг клиник-лаборатор белгиларини қайд қилиш сонини ўтказилган таҳлили, сепсиснинг шакли ва ташхислаш мезонлари ўртасида махсус алоқани аниқлашга имкон берди.

Тизимли яллиғланиш реакция синдромини турли миқдорда намоён бўлиши мавжуд беморларда яллиғланиш медиаторлари кўрсаткичларини корреляцион боғлиқлигини баҳолаш, уларнинг тақсимланиш қонуниятлари кўринишини бир хилда бўлмаслигини аниқлади. SIRS2 беморларида энг юқори корреляцион боғлиқлик коэффициенти IL-6 ва IL-1b ларга нисбатан аниқланди. Сепсис-синдромли беморларда ушбу кўрсаткичлар  $r=0,927$  ни ташкил этди. Сепсис синдромли беморларда корреляцион боғлиқликнинг

паст белгилари прокальцитонин IL-6 ( $r=0,451$ ) ва прокальцитонин IL-1b ( $r=0,419$ ) ўзаро алоқасида қайд этилди. Қолган параметрлар бўйича корреляцион боғлиқлик бевосита тавсифга эга бўлса ҳам ўзининг динамик намоён бўлишини 1/3 чегарасида сақланиб қолди. Барча ҳолатларда текширилувчи лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги тизимли яллиғланиш реакция синдромини 3-клиник лаборатор белгилари билан корреляцион боғлиқлиги бевосита тавсифга эга бўлди. Ўзгаришлар динамикасида энг яқин алоқалар IL-6 и TNF- $\alpha$  ( $r=0,956$ ), IL-1b ва IL-6 ( $r=0,928$ ) лар ўртасида, шунингдек прокальцитонин ва IL-6 ( $r=0,904$ ) ўртасида қайд этилди. Нисбатан кам бўлган боғлиқлик IL-1b ва TNF- $\alpha$  ( $r=0,888$ ), шунингдек, прокальцитонин ҳамда IL-1b ( $r=0,838$ ) кўрсаткичлари ўртасида қайд этилди. Прокальцитонин ва TNF- $\alpha$  ( $r=0,471$ ) ўртасида паст корреляцион боғлиқлик қайд этилди. ҚД негизида ЮТЙЯК бўлган беморлардаги оғир сепсис инфекция генерализациясининг текшириладиган маркерларини энг юқори белгиларини эплаб бўлмайдиган даражага, 50%га олиб келди, сепсис синдромли беморларда эса бу кўрсаткич фақат 15%ни ташкил этди. Бу даражадаги ўзгаришларни намоён бўлишини тавсифланиши SIRS4 ва септик шакли беморларни текширишдан ўтказилганда тасдиқланди, бу ерда бу каби ўзгаришларнинг устиворлиги 100% даражасида ўрнатилди. Микроблар билан тўйинганлик ва йирингли-яллиғланиш жараёни ( $r=0,985$ ) майдони кўрсаткичлари ўртасида жуда яқин бевосита корреляцион алоқа аниқланди. Бунда йирингли-яллиғланиш жараёни билан зарарланган майдоннинг кенглиги яра юзасини микроб билан тўйинганлигининг юқори титрини мавжудлиги билан тавсифланади.

**Диссертациянинг «Қандли диабет негизида юмшоқ тўқималарни йирингли яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморларда септик асоратларни олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва патоморфологик жиҳатдан баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида йирингли-яллиғланиш жараёни кечишини тавсифланган. Барча аниқланган маҳаллий ва умумий мезонларни корреляцион таҳлилинини ўтказиш йўли билан мазкур муаммони ҳал этиш, патологияли беморларда жараён генерализацияси ривожланишини башорат қилишни асосий ташхисий мезонларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Таклиф этилган ташхислаш-даволаш алгоритм шартларига мос ҳолда, ҚД негизида ЮТЙЯК билан хасталанган беморларда сепсис ривожланишини ишончли башоратлашда қуйидаги параметрлар асосида мажбурий кўриқдан ўтадилар: қонда: прокальцитонин, IL-1b, IL-6 ва TNF- $\alpha$  даражасини аниқлаш; SIRS белгилари миқдорини ҳисоблаш (0 дан 4 гача); йирингли-яллиғланиш жараёни тарқалиш майдонини ўлчаш ва ҳисоблаш ( $\text{см}^2$ ); ярани микроблар билан тўйинганлик даражаси. Асосий гуруҳ беморларини даволашда юмшоқ тўқималардаги йирингли-яллиғланиш яраларини цитологик препаратларини суртма-нусхаларини микроскопик текшириш натижаларни, назорат гуруҳ беморлари билан солиштирилганда суртмада гистиоцитар ва яллиғланиш хужайраларини дистрофик-деструктив ва некробиотик ўзгаришлари даражаси сезиларли камаяди. Гистиоцитар хужайралар томонидан

цитоплазма ҳажмининг кенгайиши ва ядроларнинг гиперхромазияси кўринишидаги баъзи фаоллашишлари қайд этилади. Яллиғланиш хужайраларининг морфологик ҳолати бизнинг алгоритмимиз шартларига мос ҳолда даволашдан кейинги муддатларга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Даволашнинг биринчи кунда цитологик материалда полинуклеар лейкоцитлар, 3-кунда яллиғланишнинг экссудацияси ва альтерацияси жараёнлари фаоллиги пасайди. Бу морфологик жиҳатдан яллиғланиш-шиллик ва некротик фибриноз масса миқдорини камайиши, мавжуд бўлган лейкоцитлар деструкция ва парчаланиш ҳолатидаги кўриниши билан намоён бўлди.



**3-расм.** Қандли диабет негизда юмшоқ тўқималар йирингли-яллиғланиш касалликларини ташхислаш-даволаш алгоритми

Даволашнинг 7-куни суртмаларда полинуклеар лейкоцитлар, жумладан, нейтрофил лейкоцитлар миқдори устунликка эга бўлди, улар фаол ҳолатда бўлиб, тўқима детрити пластини микроорганизмлар билан бирга зич ўраб олди. Нейтрофил лейкоцитларнинг аксарият қисми цитоплазмасини эозинофил билан бўялиши, уларнинг ферментатив ва фагоцитар фаоллигидан гувоҳлик беради. Тадқиқотнинг ушбу муддатларида лейкоцитлар орасида яқка ҳолда учраган эозинофиллар ва базофиллар ўз ўрнига эга бўлди. Цитоплазмасида дистрофик ўзгаришларни ортиб бориши ҳисобига гистиоцитар хужайралар ўлчами бўйича янада ортиқ бўлди. Уларнинг

аксарият қисми ҳам ядро, ҳам цитоплазмасида юқори даражадаги эозинофил бўялиш билан йирик чўзилган ўлчамларга эга бўлди.

Шундай қилиб, ҚД негизда ЮТЙЯК билан хасталанган беморларни даволаш чора-тадбирлари комплексида G-CSF Filgrastim дори воситасини қўллаш ярада фагоцитар фаоллик билан нейтрофиллар ва лимфоцитлар миқдорини ортиши, микроблар билан тўйинганлигини камайиши билан яра жараёнини кечишини ўзгаришларига олиб келиши цитологик тадқиқотлар натижасида исботланди. Хужайра-толали элементларнинг морфофункционал ҳолатини бирламчи яхшиланиб бориши қон томирлари ва интерстициал бириктирувчи тўқима томонидан қайд этилди. Томирлар ва интерстициал бириктирувчи тўқима атрофида оралик модданинг унча кўп бўлмаган шишиши сақланган, яллиғланиш инфилтрацияси орасида некроз ва толали тузилмаларнинг парчаланиши кўринишидаги деструктив ўзгаришлар оз миқдорни ташкил этади. Яллиғланиш жараёнининг морфологик белгилари, асосан периваскуляр соҳада томирлар деворини қалинлашиши ва томирлар атрофида яллиғланиш инфилтрациясининг мавжудлиги кўринишида жойлашди, гарчи интерстициал тўқима ўзида шиш ва юмшаш хусусиятларини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, ҚД негизда ЮТЙЯКда ташхислаш-даволаш алгоритм қўлланилгандан кейинги 3-кунда шиш, деструктив ҳамда яллиғланиш жараёнларини пасайиши қайд этилади. Томирлар девори ва интерстициал бириктирувчи тўқиманинг хужайра-толали элементлари морфологик ҳолатини меъёрлашиши қайд этилади. Тадқиқотнинг 5-кунида қайд этилдики, шикастланган юмшоқ тўқима таркибида ўткир яллиғланиш жараёнининг некротив – деструктив ўзгаришлари тикланиш жараёнларини қўшилиши билан бирга сезиларли даражада камайди. Тадқиқотнинг 7-кунига келиб, юмшоқ тўқималарда шиш-деструктив ўзгариши, интерстициал бириктирувчи тўқима ва томирлар деворининг хужайра элементлари пролифератив фаоллигини ортиши кўринишидаги пролифератив босқичга ўтиш билан ўткир яллиғланиш жараёнини турғунлашиши ҳамда пролифератив яллиғланиш ўчоқларини сақланиб қолиши каби белгиларни йўқолиши қайд этилади.

